

Нафасида ернинг ҳиди бор 3



Тарбияни ўзимиздан бошлайлик 4

Бевақт очилган гунча 5



Насиба Абдуллаева: “Набираларим илҳом беради” 6



Машраб НУРИНБОЕВ сурат-лавҳаси.

ОРАСТА ҚИЗ

*Поклик қадимдан мерос,
Ўзбек қизларига хос,
Қанча фахр этсак оз,
Ораста қиз — ораста.*

*Топ-тоза юрар ўзи,
Соч, тирноқ, юзу кўзи,
Ибрат ишию сўзи,
Ораста қиз — ораста.*

*Мақтаб, кўча, хонадон,
Қадами етган макон.
Зумда бўлар чароғон,
Ораста қиз — ораста.*

*Ўн бармоқда ўн хунар,
Ҳар қандай иши унар,
Ҳамма уни тушунар,
Ораста қиз — ораста.*

*Гулдай кулсин диёри,
Бўлмасин гард, губори,
Озодалик — шиори,
Ораста қиз — ораста.*

Мунаввара ЁҚУББЕКОВА

ДИПЛОМЛАР ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси ИИВ академияси сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курс курсантлари битирувга бағишланган тантана бўлиб ўтди.

Ички ишлар идораларида сержантларнинг хизмат-жанговар тайёргарлиги самарадорлигини ва жанговар шайлигини, хизматнинг нуфузини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 19 июлдаги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 23 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясида Ички ишлар идоралари учун мутахассислар тайёрлашни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курслар ташкил этилган эди. Хозирги кунда мазкур курслар томонидан масъулиятли соҳа хизматига ҳар томонлама етуқ, Ватанга садоқатли ёшларни тайёрлаш, мард ва ватанпарвар кадрларни тарбиялаш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.


Яқинда олий курслар курсантларининг навбатдаги 15-маротаба ўтказилаётган битирувга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Б. Матлюбов битирувчиларни ўшбу унутилмас воқеа билан самимий табриклар экан, ҳуқуқ-тартибот ҳимоячиси учун метин ирода, юксак



масъулият, юқори малака талаб қилинишини алоҳида таъкидлаб, битирувчиларнинг олган билимлардан ўз касбий фаолияти жараёнида самарали фойдаланишлари, бор куч-гайратларини хизмат ва фуқаролик бурчини намунали бажаришга қаратишлари, асосийлик, юксак ишончини оқлашларига умид билдирди.

Сардорбек МҰМИНОВ,
Ички ишлар вазирлиги Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармаси оммавий ахборот воситалари билан алоқа қилиш бўлими инспектори.



«МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ»

АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ —
ДОИМИЙ ҲАМКОРИМИЗ!

ОРЗУЛАРИ ОЛАМГА СИФМАС



Гулноза илк шеърини отасининг таваллуд кунига атаб ёзган эди. Болаларча содда туйгуларини ошкор этиб кўйишдан уялиб, ўша қораламаларини шоира Меҳринисо Абдурахмоновага йиғибгина кўрсатди. Опа ҳам синчковлик билан қизалоқнинг кўзларида порлаб турган ҳаяжонни сезиб, битган машқларини бирма-бир тахлил этаркан, аввалига бироз мақтаб кўйди. Кейин эса имкони борича бадиий ва шеърый китобларни кўпроқ ўқишни тайинлади.

Орадан кўп вақт ўтмай, Гулноза Жиззах шаҳрида ҳар ойнинг биринчи ҳафтасида ўтказиладиган “Сангзор” адабий тўғараги машғулотларида қатнаша бошлади. У ерда тенгдошларининг ижод намуналари билан танишиб, билим ва маҳоратини ошириб борди. 2006 йилда ёш ижодкорларнинг “Зомин” семинарига йўлланмани кўлга киритиши унинг илк утуғи бўлди, десак янгишмаймиз. Таниқли адиб-шоирлар билан кечган учрашувлар уни нияҳотда руҳлантирди. Семинардан сўнг илк шеъри

“Ёшлик” журналида босилиб чиқди. Кейинчалик эса “Бўстони” деб номланган биринчи шеърый тўплами чоп этилди. Орадан бир йил ўтгач, Хоразмда ташкил этилган “Нафосат” ёш қаламкашлар анжуманида унинг ҳикоялари устоз ёзувчилар томонидан муносиб баҳоланди. Мактабни тамомлагач, Жиззах шаҳридаги 2-сон академик лицейига ўқишга кирди.

— Ўзбекистон Қаҳрамони, лицейимиз директори Марат Зокиров ижодни, адабиётни нияҳотда қадрлайдиган, айниқса, ёш қаламкашларга алоҳида эътибор ва ғамхўрлик кўрсатадиган инсон бўлганлиги бизнинг бахтимиз эди, — дея ўқувчилик йилларини хотирлайди Гулноза Мамарсулова. — Эътиборли жиҳати, у кишининг ташаббуси билан лицейимизда энг аълочи ўқувчилардан олти нафарига махсус стипендия ҳам таъсис этилганди. Улар орасида мен ҳам бор эдим.

Гулноза “Келажак овози” республика кўрик-танловининг 2006 йилги ғолибларини тақдирлашга бағишланган гала-концертни томоша қилаётганида, сахнада жаззахлик ёшларни ҳам кўриб, суюниб кетди ва кўнглида шу беллашувда қатнашиш истаги пайдо бўлди. 2007 йилда “Янги аср авлоди” нашриёти томонидан унинг “Армонга айланган бахт” ҳикоялар тўплами чоп этилди. У шу йили “Келажак овози” республика кўрик-танловининг “Бадиий ижод” йўналиши бўйича анкета топширди. Омадди қарангки, аввалига вилоят, сўнгра эса республика босқичида ғолиб чиқиб, 2008 йилда имтиёзли равишда ўқишга кириш учун йўлланмани ҳам кўлга киритди. Гулстон давлат университетиде тахсил ола бошлади. Исланувчан, илм олишга интилган қиз талабалик даврида ҳам бадиий ижод билан жиддий шуғулланди. Айни пайтда ўзи қизикқан инглиз тилида ажойиб асарлар битган ёзувчиларнинг нодир асарларини ўзбек тилига таржима қилиш билан ма-

шгул. У Эрнест Хемингуэйнинг “Уч кунлик ёмғир”, Жейн Оустеннинг “Фурур ва андиша” ҳикояларини ўзбек тилига маҳорат билан таржима қилди. Ўтган йили IELTS номли халқаро сертификатга эга бўлди.

Ўқувчилик йилларида Гулноза машҳур адиблар Пиримқул Қодиров ҳамда Одил Ёқубов ижодида мансуб асарларни нияҳотда севиб мутолаа қилар, уларни ўзига ғойибона устоз деб биларди.

2011 йилда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва “Ижод” фонди томонидан чоп этилган “Кафтадаги ниҳол” республика ёшлари альманаҳига унинг “Шонч гуллари”, “Муаллима холам” сингари ҳикоялари киритилган бўлса, “Биринчи китобим” лойиҳаси асосида Гулнозанинг “Кутаётган аёл” номли ҳикоялар тўплами нашрдан чиқди. Қаҳраонимиз “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” ҳамда “Меҳр нури” жамғармалари томонидан олий ўқув юртининг 3- ва 4-босқичларида тахсил олаётган талабаларга мўлжалланган “Иқтидорли талабалар учун стипендиялар” дастурида қатнашиб, 2011-2012 ўқув йили учун маъзур стипендияга ҳам сазовор бўлди. Умидли ёш ижодкор, Гулстон давлат университетининг иқтидорли талабаси Гулноза Мамарсулованинг орзулари бир олам.

— Насиб этса бакалаврни тамомлаб, магистратура босқичида журналистика йўналиши бўйича ўқишни давом эттирмакчиман, — дейди Гулноза. — Шунингдек, инглиз тилини янада мукамал ўрганиб, ўзбек ёзувчилари асарларини инглиз тилига, дунё адабий меросининг ноёб дурдоналарини она тилимизга ўғиршидек масъулиятли ишга кўл урмакчиман. Уйлайманки, бу борада бизда катта таъриба мактаби яратилган. Устозлар изидан бориб, катта ютуқларни кўлга киритишни чин дилдан орзу қиламан.

Шахло АБДУСАИДОВА,
Сирдарё вилояти.

Жараён

ХАЙРИЯ
ЛОЙИХАСИ

Фонд Форум, “Аёллар кенгаши” республика жамоат бирлашмаси, “Меҳр нури” жамоат жамғармаси ҳамда ижтимоий ташаббусларни кўллаб-қувватлаш фонди томонидан республикамизда микросида йил бўйи ўтказилиши кўзда тутилган “1000 та никоҳ ва 1000 та суннат тўйлар” хайрия лойиҳаси айнан ёш оилаларни кўллаб-қувватлашга қаратилган. Маъзур лойиҳа шу йилнинг 25 мартда ўз ишини бошлаган эди. Навоий вилоятининг Навоий шаҳри, Қизилтепа ва Кармана туманларида 33 нафар келин-куёв учун хайрия никоҳ тўйлари, ижтимоий ҳимоятга муҳтож ва меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари бўлган 38 нафар болага суннат тўйи маросимлари ўтказиб берилди. 26 март куни эса Нурота, Хатирчи, Учқудук туманлари ва Зарафшон шаҳрида 40 та никоҳ ҳамда 50 нафар бола учун суннат тўйлари уюштирилди. Лойиҳа иштирокчилари 27-28 март кунлари Қашқадарё вилоятида бўлишиб, 13 та туманда 50 та никоҳ, 111 нафар болакай учун суннат тўйлари ташкил этишди. Ҳаёт оstonида турган келин-куёвларга рўзғор учун энг зарур бўлган музлатгич ва телевизор совға қилиш баробарида, уларга махсус ҳисоб рақамлари очилиб, омонат маблағлари ажратилди.

Барно МИРЗААХМЕДОВА,
“Оила ва жамият” мухбири.

ЯКУН ВА
РЕЖАЛАР

Жорий йилнинг 31 март куни Таъдиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик



партияси сиёсий кенгашининг VI мажлиси бўлиб ўтди. Унда партия ташкилотларининг 2011 йилдаги фаолияти якунлари ҳамда 2012 йилдаги устувор вазифалари муҳокама қилинди.

Таъкидландики, ўтган йил давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси ҳаётга изчил татбиқ этила бошланганлиги билан муҳим аҳамият касб этади. Концепцияга мувофиқ, 2011 йилда қабул қилинган қонунлар мамлакатимиздаги демократик ислохотларнинг чуқурлаштиришга, фуқаролик жамияти асосларини мустаҳкамлашга, сиёсий партияларнинг, жумладан, O'zLiDePнинг жамиятдаги ўрни ва таъсирини кучайтиришга хизмат қилади.

Йиғилишда концепцияда белгилаб берилган устувор вазифалар ижросини таъминлаш борасида узок муддатли O'zLiDePнинг аниқ мақсадли комплекс чора-тадбирлари дастури қабул қилинди.

Шунингдек, “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастури доирасида “Мулкдор оила”, “Оилавий тадбиркорликдан мустаҳкам оилага”, “Бир фермерга бир битирувчи” каби лойиҳаларни амалга оширишга доир чора-тадбирлар режаси ҳам белгилаб олинди.

Зулхумор РЎЗИЕВА,
O'zLiDeP матбуот хизмати
сектор мудири.

ЭЛ ДАСТЁРИ

Хусниддин мактабни тамомлагач, илмга қизикқан синфдошлари қатори олий ўқув юртига ҳужжатларини топширдию, ўйлашиб қолди. Шу вақтда отаси қутилмаганда автохалокатга учраб ногирон бўлиб қолди. Нима қилсин? Бунинг устига уйда ёлғиз ўғил, кўлидан иш келадигани ҳам ўзи. Иккиланиб-иккиланиб, охири ўқишга кириш қароридан воз кечиб, қишлоғига қайтиб борди.

Отаси ўғлининг кўнглига кўл солиб, ўқиш лозимлигини уқтирмакчи бўлди. “Ўқиш қочиб кетмас, дадажон, ҳозирча рўзгорнинг иссиқ-совуғига қарашиб турмасам, уйдагилар қийналиб қолади. Яхшиси, ҳайдовчилик қиламан” деди. У шу мақсадда Оққўрган туманидаги автобус-такси саройида иш бошлади. Жамоа аъзолари ундан барча ёрдاملарини аяшмади. Тажрибали, меҳнати ортдан обрў орттирган устозлари кўллаб-қувватлагани боис у қисқагина муддатда ўз ўрнини топди. Йилларнинг югуриклигини қарангки, шунга ҳам 22 йил бўлибди.

— Ўғлим болалигиданоқ тиришқоқ, интилувчан эди. Билмаганини сўрашдан уялмас, тўғри насихатни тез ўзлаштириб оларди, — дейди Хусниддиннинг отаси Уммат ота. — Мен ишдалигимда онасига энг яқин ёрдამчи эди. Бир воқеа ҳеч эсимдан чикмайди Бола бошдан деганлари рост экан. Бир куни ишдан чарчаб келиб, мизғиб олай деб ётудим, машинанинг ўт олган овози эшитилди. Югуриб кўчага чиқсам, рудда Хусниддин ўтирибди. Ушандаёқ унинг техникага қизиқиши кучлилигини сезган эдим. Тўғри, энди иш бошлаганда бироз қийналди. Лекин бирон марта нолиганини эшитмаганман. Иродаси мустаҳкам, бир нарсага кўл урдими, шунинг охирига етказмагунча тиним билмайди. Бугун ўзи устоз. Ёнидан шогирдлари аримайди. Ҳавасим келади. Ҳар куни тонгда ишга отланаётган маҳал дуо олиб кетади. Албатта, ҳар

бир касбнинг ўзига яраша тош-тарозиси бўлгани каби ҳайдовчиликнинг ҳам ўзига яраша машаққатлари бор. Лекин нони ҳалол ва насибаси бутун.

Хусниддин Исоқовнинг турмуш ўртоғи Насиба опадан умр йўлдошининг фазилатлари ҳақидаги фикрини сўрасак, у киши йиманиб, “Ҳар бир оилда энг аввало, эркак кишининг талабчанлиги сув ва ҳаводек зарур. Шу маънода бу кишига кўпчилиكنинг ҳаваси келади. Ҳар доим элдошларининг совбули ишларини бажариб, раҳмат олиб юради. Насиб этса, фарзандларимиз Жавлонбек ва Мафтуналар ҳам дадасининг яхши фазилатларидан ўрнак олади деб ўйлайман. Қиз узатиб кўёвлик бўлди. Ўғлимиз Ватан ҳимоясига отланди. Ҳеч кимдан кам жойимиз йўқ” дея чин дилдан шукрона айтди.

— Деярли ҳар куни йўлдаман, аҳолига беминнат хизмат кўрсатиш — бизнинг асосий вазифамиз, — дейди суҳбатдошимиз Хусниддин Исоқов. “Оққўрган — Қўйлик” йўналишида қатнайман. Бўёғи хизматчилик, ҳар куни турли хил феъл-атворли одамларга дуч келаман. Бабъанчиларининг хурсандчилигига, гоҳида эса, ғамташвишига ҳам шерик, ҳамташвишига ҳам шерик бўлишимиз тўғри келади. Лекин ҳар қандай ҳолатда ҳам шукр қиламан. Чунки юртдошларимнинг қорига яраётганим, бу менинг инсонийлик бурчим. Камтаргина меҳнат ортдан раҳмат эшитсам, дунёга сигмай кетаман, чарчокларим унут бўлади, уйимга, жигаргўшаларим хузурига шошиламан. Шунинг ўзи бахт эмасми?

Нигора ҲРОЛОВА,
“Оила ва жамият” мухбири.
Тошкент вилояти.

РЕКЛАМА ҲРНИДА

«Ер тилини билмаган эл тилини билмайди. Тупрокда ҳикмат кўп, болаларим. Бўйим бир қарчилигидан эгат оралаб тупрок кечдим. Уст-бошимни кўйинлар, ҳатто нафасимдан ҳам тупроқнинг бўйи тараларди. Бизнинг болагимизни уруш ўғирлаган. Тинчлик неъматини уруш кўрганлар, фронт ортида жон чекканлардан сўранглар. Сизлар жаннатмакон юртда яшаётганингиз учун тинчлик қадрига етишингиз, шукрона келтириб, уни асраб-авайлашингиз керак».

Чироқчилик Маҳмадуст ота Бобокулов неварачеваларига ушбу гапларни такрорлашни қанда қилмайди. Бу йил отахон 82 бахорни қарши олди. Шундай бўлса-да, ҳали-ҳамон йигитлардай тетик, сўзлари ўқтам. Узи билан сўхбатлашсангиз мағзи тўқ, маъноси бутун сўзларида ҳаёт ҳақиқатларини ҳис қиласиз. «Аҳдоқларимиз от миниб, улоқ чопанлардан. Улар ҳар қандай қийинчиликлар қаршида бел букмаган, елкаси ер кўрмган», дейди ғурур билан.

Эл эътиборида юришининг машаққати бор. Дилозорнинг озирга чидаш, ҳасадгўйнинг ҳасадю, таъмагининг қувлигига парво қилмасдан, аксинча, юракларга эзгулик уруғини сочиб, кўнгилларга бедрлик туйғусини улашиш учун кишига бағрикенглик, жўмардик керак. Отахоннинг умр дафтарига кўз югуртирмайсиз. Уни ҳаёт жуда эрта улғайтирди. Ҳали болаликнинг маъсум эркаликларига тўйиб улгурмай, ўн икки ёшидан оқ пахтачилик бригадасида табелчи бўлиб ишлади. Ёзув-чизувни дурустроқ ўзлаштирмасдан уруш бошлаб, мактаблар ёпилди. Хўжаликни эглаб юрган эркаларнинг барчаси урушга сафарбар қилиниб, кексалар, хотин-қизлар, ҳатто мактаб ўқувчиларига далага отланди. У ҳам оғир кетмонни нозик елкасига ортиб эгат оралади, экинларни парвариш қилди. «Пошо» болагиги-

ни юрт қорига ярашга алмаштирган, элга дастёрликни эп билган тенгдошлари қатори тонг сахардан тун қоронгусига қадар меҳнат қилди...

— Ишонасизми, уруш йиллари тўй-томшаларини унутдик, — чуқур хўрсиниб сўзлайди отахон. — Ҳар куни азанинг жабрини тортаверса гўдақнинг ҳам манглайига ажин тушаркан. Қишлоққа қайтишдан зада бўлиб қолганмиз. Ундан кўра кесакни тўшамчи билиб, далада ётганимиз тинчроқ, ҳарна оромбахш эди. Фарзанди урушга кетган онахонларнинг юзига тик боқибдан уялибим, янтоқзор оралаб бекинардик. Чунки бизларни кўрганда унинг ёдига фарзанди тушарди-да...

Уруш тугагандан сўнг Маҳмадуст мактабда ўқишни давом эттирди. Ҳарбий хизматдан қайтиб, деҳқончилик соҳасида ишлади. Турли йилларда бош иқтисодчи, бош ҳисобчи ва хўжалик раҳбари бўлди. Аммо саксонинчи йилларнинг пахта иши, ўзбек иши сингари қатагонларини эсласа, чуқур ўйга толади. «Пахта иши» никоби остида миллатимиз шаънини оёқ ости қилмоқчи бўлганлар хуружларидан унинг ҳам қалби зада еган. Хонадонлардаги нотинчлик маҳалларга кўчди. Узи ноҷор яшаб, ўзга элатларни тўйдирган, кийинтирган, бутун умрини далага бағишлаган халқнинг қадди эгилди. Инсонийлик шаъни топталган, эркин хукукдан маҳрум эр йигитлар узоқ ўлкаларнинг соғуғида соғлигини йўқотиб, ноҳақ қамоқ жазосини ўташди. Йиллар нуқони эзгулик чаманини ҳазон этди. Ноҳақ жабр чекаётганлар орасида Маҳмадуст ота ҳам бор эди...

— Бизнинг ҳам дардимизни тинглайдиган, уларга малҳам бўладиган инсон бормикин, деган ўйда панжаралар ора-

сидан кўкка термулардик. Нега деган саволга жавоб топиш қийин эди. Вилоятимизга Ислом Абдуганиевич Каримов раҳбар этиб тайинланганида ўн минглаб ноҳақ қамалганлар қалбидега умид учкунлари пайдо бўлди. Президентимизнинг мана бу сўзлари юрагимга муҳр бўлиб ботган: «Дастлаб қилган ишларимдан бири —

Шундай яшар одатда одам

Ҳамиша маслаҳат билан иш тутдим. Айтиш кераки, биринчи навбатда гуноҳсиз бўла туриб қамоқ азоби, зулму-зўравонлик ва ситамни юрагидан ўтказган жабрдийдаларга алоҳида эътибор қаратдим. Мен бу одамларнинг уйлари-га бордим, бағрикон бўлган оила аъзоларидан кўнгил сўрадим, уларнинг оғирини енгиллатиш учун кўлимдан нима ёрдам келса, барчасини қилдим. Одамлар билан яқинлашиш, уларнинг ташвиш ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб иш юритиш фаолиятимнинг асосига айланди. Шунинг учун ҳам улар менга бағрини очди, доимо қуллаб-қувватлашди».

Отахоннинг мижжаларига ёш тўлди. Титроқ кўллари билан ҳассасига суняиб ўрнидан кўзгалди. Хона деворига илинган Юртбошимизнинг суратига узоқ тикилди. Кўзларида чўғдек порлаган учкун борлигига ёруғлик инъом этди.

Маҳмадуст бобо кексаликни сира писанд этмаганлиги унинг пўрим кийинганидан ҳам сезилиб турарди. Эгнида янги костюм-шим. Худди байрамга ёки бирор йиғинга шошилаётгандек безовталанди. Йигитлардек ўткир боқишига бизнинг ҳам ҳавасимиз қолди. Юртни севганлар, эл меҳрини қозонганлар одатда ана шундай хуш кайфиятда бўлишди, деган нақлга яна бир бор амин бўлдик. Бироздан сўнг отахон вазминлик билан гап бошлади:

— Саккиз нафар фарзандим бор. Ҳаммаси ўқимишли. Набиралар этакка сирмади. Уларнинг қувончдан кўнглим ёришади. Бошимга бало-офатларни ёғдирган қора кунларни, чеккан азоб-укубатларни унутаман.

Ҳа, Чироқчида шундай отахон бор. Буоқ Истиклолимизнинг ширин мева-сидан тотиб, халқимиз бахтидан шукроналик айтиб, ҳамиша кўллари дуода унинг.

Али НИЁЗ

НАФАСИДА ЕРНИНГ ҲИДИ БОР



оқсоқолларни йиғиб, эл-юрт хурматиға сазовор бўлган мўътабар кишилар билан яқиндан танишдим, сўхбатлашдим. Ким қаерда униб-ўсган, илдизи қаерга, кимга бориб туташади, энг муҳими, палаги тозами, ўз ортида қандай яхши из қолдирган? Мен бу ҳақиқатни билиш учун одамлар билан бир эмас, бир неча маротаба учрашдим, сўхбатлашдим.

ЖИЛҒАЛАР ҚЎШИЛИБ ДАРЁ БЎЛДИЛАР



Сардоба туманидаги Темур Малик Сув истеъмолчилари уюшмасида пиру дававлат хонадонлар ҳақида гап кетгудек бўлса, шубҳасиз, Жавлон ака Жўраев оиласи фахр билан тилга олинади. Бундай эъзоз бежиз эмас, албатта. Ҳолбуки, бугун ўзининг 72-бахорини қаршилаётган хонадон соҳибни умрининг 26 йилини шу ҳудуд қишлоқ хўжалиги ривожига бағишлади.

Асли форишлик бўлиш бу инсон 1968 йилда оила аъзолари билан эртақларда таърифланган «куш унча қаноти куядиган» бийдай далаларга қўчиб келган эди. Серғайрат йигит секин-аста ғўза парвариши билан боғлиқ сир-сирларни эгаллай бошлади. Кенг далаларда унинг бой тажрибаси самара беришини илган устозлари қолоқ бир бўлим бошқарувчилигини унга ишониб топшириш-

ди. Ана шундан сўнг унинг ҳаётида машаққатли синовлар бошланди.

— Ўша маҳалларни эсласам, юрагим орқага тортиб кетади, — дейди Жавлон ака чуқур ўйга толиб. — Кечаю кундуз тиним билмай ишлардик, режалар осмонда, уни бажариш осонмас. Лекин одамнинг жони тошдан ҳам қаттиқ экан-да. Чўл шароитини биласиз, бир кунда неча марта ҳаво ўзгаради. Шундаям чекинмадик. Энг асосийси, одамлар битта мушт бўлиб бирлашиб меҳнат қиларди. Ҳозиргидек техникалар, шарт-шароитлар қаёқда эди у пайтлари. Масалан, менинг ўзим Ташкент қишлоқ хўжалик институтида тахсил олиб, агрономлик ихтисослиги бўйича ишлаган бўлсам-да, ҳар қандай маъсулиятни зиммамга олишга мажбур эдим. Эҳ-е, бу жойларни гуллаб-яшнатиш учун

қанчалаб инсонлар мардона меҳнат қилди.

Мен ҳар қандай ҳолатда ҳам сермазмун ҳаётимга шукрона қиламан. Нега десангиз, биз кўрмаган файзиёб кунларни фарзандларимиз кўраётти. Ҳозирги кунда бу жойлар мустақиллик шарофати туйғули қанча обод бўлиб, гўзаллашиб кетди.

«Жилғалар қўшилиб дарё бўлади» деганларидек, бугун отахоннинг барча фарзанду аржумандларидан кўнгли тўқ. Негаки, уларнинг ҳаммаси ҳаётда ўз ўрнини топган, жамиятга нафи тегаётир. Ўттизга яқин неваралари куну тун қариллик гаштини суратган боболари атрофида парвона.

— Ҳар бир хонадоннинг файзу баракаси оила бекаси бўлган аёлга боғлиқ, — дейди Жавлон ака турмуш ўртоғи Хосият ая ҳақида тўлқинланиб сўзларкан. — Биласиз, эркак кўчанинг одами. Қачонки, ҳар бир йигит уйидан ташқарига кўнгли чоғ чиқса, кун бўйи хотиржам юрсагина унинг ишида ҳам, рўзғориде ҳам унум ва хайр-барақа бўлади. Шу маънода мен фарзандларимнинг онасидан бир умр миннатдор бўлмоғим керак. Ҳаммага ана шундай, ўз жуфти ҳалоли билан қўша қаримоклик насиб этишини тилайман.

Биз бахти тўқис хонадон аъзоларини суратга олаётганимизда бир четда жамулжам бўлиб турган қиз-жувонларга ишора қилиб, Хосият аямиздан секингина «Булар қизларингизми?» деб сўрасак, у киши кулимсираб, «Ҳаммаси хонадонимиз кўрки бўлган келинжонларим, менинг кўзқорачикларим. Агар қизларимиям қақирганимда ҳовлимизга сирмай кетарди», деб ҳазиллашди...

Эркин БОШБЕК ўғли,
Сирдарё вилояти.
Бошбек АБДУРАҲИМОВ
олган сурат.

Соғлом она — соғлом бола
КЕЧИКСАНГИЗ КУЯСИЗ

Бундан ўн йилча аввал ҳузурим келган рангпаргина аёл ҳеч эсимдан чиқмайди. Кўринишидан у 30-35 ёшларда бўлиб, камқонликка чалинган шундоқ юз-кўзларидан сезилиб турар, ёнида ўғилчаси ҳам бор эди. «Ўғлимнинг туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномасини йўқотиб қўйгандик, шунга келувдим», дея ўзини таништирди у ва бошидан кечган воқеаларни сўзлаб берди.

Унинг айтишича, қариндош-уруғларининг кистови билан ҳолаваччасига турмушга чиқибди. Қизлик давридан оқ камқонлик касалига чалинган экану, лекин даволатиш ота-онасининг ҳаёлига ҳам келмабди. Келин бўлгач эса қайнонанинг қаттиққўллиги, бегона муҳитга мослашиши оғир кечганлиги унинг аҳволини янада мушкуллаштирган. Энг ачинарлиси, кетма-кет дунёга келтирган уч нафар нуридийдасининг туғилиши ҳам дард устига чипқон бўлибди. Камқонликдаги ҳомиладорлик фарзандларининг ҳам нимжонлигига сабаб бўлиб, йил ўн икки ой касалхонада ётиб даволанишга мажбур бўлган. У оғир хўрсиниб, «Опаҳон, агар ёшлигимдаёқ уйдагиларим соғлигим ҳақида қайғуришганида бугун фарзандларим ҳам, ўзим ҳам соппа-соғ юрган бўлардим», деб чиқиб кетди...

Орадан шунча вақт ўтган бўлса-да, ҳамон ўша муштипар аёл кўз олдимга келаверади. «Қариндошга қиз берган қирқ йил куяди» деган гапда жон бор. Негаки, бугунги кунда бўлимизга ниқоҳини расмийлаштириш учун келган ёш йигит-қизлардан ташқари, деярли ҳар бир учрашувда, у мактаб, лицей, коллеж ёки маҳаллада ўтказиладими, ҳаммани оғоҳликка чорлаймиз. Қачонки, она соғлом бўлсагина, бола баркамол бўлишини деб алоҳида таъкидлаймиз.

Масалан, туманимиз ҳудудидаги еттита касб-хунар коллежида ўқиётган 3-босқич талабалари ўртасида ўтказилаётган ўқув машғулотларида бу мавзуга оид ҳаётий мисолларни муҳокама қилаяпмиз. Айниқса, ўқувчи қизлар ўртасида қизиқарли савол-жавоблар уюштиряпмиз. Бу каби хайрли тадбирларимиз самараси қувончли бўлмоқда.

Шаҳноза ЗИННАТОВА,
Бўка тумани ФХДЁ бўлими инспектори.

Юртимизда бир неча йил давомида ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра ўзбек аёллари фарзандлари билан шуғулланишга бўш вақтларининг 9,1 фоизини сарфлаши маълум бўлди. Эраклар эса бу вақтнинг 5,6 фоизини шу иш учун ажратар экан. Ишланшларда шунингдек, аёллар овқат тайёрлаш учун 13,4 фоиз, телевизор кўриш учун эса 19 фоиз вақт сарфлаш аниқланди. Бу борада эраклар телевизор томошасига 28,8 фоиз вақтнинг ажратиши ойдинлашди. Тадқиқотда аёлларнинг кир ювишга кетадиган вақти 7,3, овқатланишга 13,6 фоиз ва шу билан бирга китоб, газетажурналлар ўқишга 3,7 фоиз вақт ажратишлари ҳам келтирилган.

Албатта, бу рақамлар умумий ҳисобда олинган тўғайли ҳам нисбий бўлиши мумкин. Аммо вақтнинг тақсимлаб, бир кун давомидаги ишларининг тақдир қилинган бўлса, рақамлар, ўртадаги тафовут сизни ҳам ўйлантириб қўйиши шубҳасиз.

Хўш, сиз ҳам ўз вақтинингизни тақсимлаб чиққанмисиз, унда болалар тарбияси каби муҳим масалаларга қай тариха ўрин ажратгансиз? Мутахассислар, турли касбдаги инсонларнинг бу ҳақдаги фикрлари қандай?

ВАҚТНИНГ БЎЛИНИШИ

Муниса Маматова, боғча тарбиячиси:

— Иш вақтим эрталабки саккиздан кечки бешгача. Уйга келганимга қадар соат олти атрофида бўлади. Табиийки, келгач, аввало овқат тайёрлаш, уйни озроқ бўлса-да тартибга келтириш каби юмушлар билан шуғулланаман. Кейин овқатланамиз. Шундан сўнг фарзандларимнинг тайёрлаган дарсларини текшираман. Бунга ярим соат ёки 45 дақиқа вақт ажратилади. Албатта, мактабдаги янгилликлар, олган баҳолари ҳақида сўрайман.

Дилбар Бобокалонова, уй бекаси:

— Қизимнинг дарсларини қай тариха ўзлаштириши, мактабдаги, спорт тўғрақларидаги фаолияти билан мунтазам кизиқиб, устозлари билан суҳбатлар олиб бораман. Қизим кўпроқ спортга кизиқади. Уни кўллаб-қувватлайман. Бўш вақтларимнинг асосий қисми шу каби юмушларга сарфланади. Ҳозирда қизим спортнинг пенчак-силат тури бўйича тенгдошлари ўртасида республика, жаҳон чемпиониликка ҳам сазовор бўлди. Вақтим ҳозирча бекор кетгани йўқ, деб ўйлайман.

Шу ўринда кичик бир мулоҳаза. Яқинда мактаблардан бирида бўлиб ўтган танловда ўқитувчилар билан суҳбатлашдик. Ушбу мактабда ўзаро танловлар кўп ўтказилар экан. Педагогларнинг айтишларича, айниқса, бошланғич синфлар ўртасидаги танловларда қай бир синф ўқувчиларининг ота-оналари мусобақаларда кўпроқ иштирок этишса, ўша синф ўқувчилари аксарият ҳолларда голиб бўлишаркан. Демак, ота-оналарнинг фарзандини кўллаб-қувватлаши бола камолоти учун муҳим аҳамиятга эга.

Тарбиянинг мезонлари кўп. Уни ҳар бир ота-она йиллар давомида тўплаган ҳаётий тажрибалари асосида ўзича белгилаб, таҳлил қилади, солиштирилади. Лекин кўпчилик алломпалар, рухшунослар таъкидлаганидек, тарбия бошдан, яъни ҳали аёлнинг она, эракнинг ота бўлмасидан туриб ўз-ўзини тарбиялаши, ижобий ҳислатларни шакллантиришидан бошланади.

БОЛАЛИК БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

Бола туғилишига тайёргарлик кўриш — бу нима дегани?

ТАРБИЯНИ ЎЗИМИЗДАН БОШЛАЙЛИК



Кўпчилик наздида бу болага мос хона ажратиш, унга кийим-бошлар тайёрлаб қўйишдан иборат, ҳолос. Аслида бунга руҳий, маънавий ва жисмоний тайёргарлик кўриш, инсон ўзини тўла англаб етиши ҳаммасидан муҳимроқ. Менда қандай яхши ёки ёмон ҳислатлар борки, уларнинг қай бири боламга қандай таъсир қилади?..

Ақсариятимиз учун бу осон иш эмас, бунда кимдир, масалан, рухшунос ёрдамга келиши мумкин. Тўғри, бизда ҳали бу касб соҳибларига мурожаат қилиш ҳоллари унчалик шаклланмаган. Фақат ҳеч қандай йўл қолмаган тақдирдагина мурожаат қилишга мажбур бўлаемиз. Кимнингдир фарзанди ўз жонига қасд қилиши мумкинлиги аниқ бўлса ва бошқа, шу каби ҳолатларда. Аммо рухшунос дегани «тез ёрдам» хизмати эмас. Бу касб эгалари инсонга ўзини англашга, муаммоларига теран назар ташлаб, ундан тўғри йўл топиб чиқиб кетишга ёрдам беришлари лозим.

ЎТМИШ...

Муассар Маҳмудова, педагогика фанлари доктори, профессор:

— Фарзанд тарбияси ҳақида гап кетганда, бу ҳақдаги тушунарлар узоқ ўтмишдаги алломпаларимиз томонида ҳам кўп тилга олингани ва ушбу қарашлар ҳозирда ҳам муҳим аҳамиятга молик эканига диққат қаратишимиз мумкин. Оила

масаласи буюк мутафаккир Абу Али ибн Синони ҳам бефарқ қолдирмаган. Аллома ўзининг кўплаб асарларида оилада бола тарбияси, уларнинг саломатлиги, энг муҳими, мутафаккирлар ичида биринчи бўлиб бола руҳиятини ўрганиш асосида унга қандай тарбиявий муносабатда бўлиш ҳақидаги фикрларни кўтариб чиқади. Унинг «Ишорат», «Донишнома», «Хайй ибн Яқзон», «Саломон ва Ибсол», «Тайр», «Тадбири манзил» асарларида оила, фарзанд тарбияси ҳақидаги фикрларга кенг ўрин ажратилган.

Ибн Сино фарзандни болалигидан бошлаб фақат яхши қилиқларга ўргатиш, бу одатлар эса келажакда унинг характерига айланиб, мустақкам иродали бўлиб етишишга замин яратади, дейди. Айниқса, ота-онанинг шахсий намунаси бола келажакни белгилаб берувчи омил эканлигини мисоллар асосида кўрсатиб беради. «Боланинг хулқини мўътадилликда сақлашга алоҳида эътибор бериш керак, унга эса болани қаттиқ газабланишдан, қўрқш, хафали ва уйқусизликдан сақлаш орқали эришилади», дейди олим ўз асарида. Шунингдек, болани икки ёшдан бошлаб ҳам жисмоний, ҳам ақлий ривожлантириб бориш, musiқа ва эртаклар эшитишга ўргатиш лозимлигини таъкидлайди.

Фарзанд тарбияси, оилавий муҳит хусусида Форобий, Абу Райҳон Беруний, Юсуф Хос

Мушоҳада учун мавзу

Ҳожиб, Алишер Навоий ва бошқа кўплаб олим ва мутафаккирлар асарларида ҳам ибратли фикрлар билдирилган. Кайковуснинг «Қобуснома» асари эса бошдан-оёқ ўғит-насихат услубида ёзилган. Асарда оилада отанинг вазифаси ва бурчи алоҳида аҳамият берилди. У отанинг фарзандига нисбатан қаттиққўл бўлишни талаб этади. Болаларни жазолаш лозим бўлса, бу ишни отанинг ўзи эмас, балки мураббий бажаргани маъқул, деб ҳисоблайди. Чунки отанинг ўз қўли билан фарзандини жазолаш унда адоват ҳиссини пайдо қилади, дейди. Албатта, отадан фарзанд ҳайқириб турсин, агар ҳайқиқмаса ота-онани хор қилади, дейди аллома.

БУГУН

Фарзанд тарбияси, оиладаги муҳит хусусида бугун ҳам замонавий педагоглар, рухшунослар, тарбиячиларнинг кўплаб асарларини топиш мумкин. Шунингдек, бу ҳақдаги маълумотларни оммавий ахборот воситаларидан истаганингизча топиш имкони бор. Катта ҳаёт тажрибасига эга онахон ва отахонлар, кўп йиллик ўқитувчилар бу борада тўғри ва аниқ мушоҳада юритишларига шубҳа йўқ.

АЛАМНИНГ КИЧИК УЧҚУНИ

Марҳабо Тоирова, Каттакўрғон шаҳридаги 11-ихтисослашган мактаб раҳбари, халқ таълими аълочиси:

— Биз оддий деб ҳисоблайдиган турмуш тарзимизнинг айрим ҳолатлари боланинг бутун бир тақдирини белгилаб қўйиши мумкин. Оддий келишмовчиликлар, уриш-жанжаллар таъсирида улғайган бола ўз олдига бирор-бир мақсадни қўйишга қийналади. Ҳаётнинг арзимас синовлари қаршида ўзини ожиз сеза бошлайди, кўпинча руҳан тушкун ҳолатда бўлади. Яна бир томони, бундай муҳитда ўсган болалар ўз яқинларидан кўра атрофдагилардан кўпроқ эътибор, меҳрмуҳаббат қўтиб яшайдилар. Салгина эътиборсизлик уларда ҳаётга, одамларга нисбатан бўлган ишончнинг сўндирати, ҳатто бора-бора нафратланиш ҳиссини уйғотади.

Кўпинча инсон улғайиб, ўз меҳнати билан маълум бир ютуқларга эришгач, гўё болаликда бошидан кечирган ташвишлар, қийинчиликларни унутиб юборгандек бўлади. Аслида ундай эмас: аламнинг кичик бир учқуни бўлса-да, уни умири давомида таъқиб қилаверади.

Фарзанд тарбиясида ҳар бир оиланинг ўзига хос жиҳати бор. Умумийлиги эса битта: у ҳам бўлса, баркамол фарзанд тарбиялаш. Бу йўлда эса янун донишманди Афлотун айтганидай, «Фарзандларимизнинг илм ва адабини ўзимизнинг илм ва адабимиз билан чекламайлик, уларни келгуси замон учун тайёрлайлик, чунки улар бизнинг замонамизга тегишли эмас, улар келгуси замон одамларидир».

Гулрух МҶМИНОВА,
«Оила ва жамият» муҳбири.
Самарқанд вилояти.



ЖАВДАР ВА ЖАЙДАРИ

— манбаларда жавдар сўзи ёввойи қора бугдой деб изоҳланган. «Ўзбек тилининг этимологик луғати»да изоҳланишича, бу сўз «жайдари» сўзи билан бир хил бўлиб, асли «маҳаллий» деган маънони англатади. Демак, «жайдари» сўзи асли «жавдар», «жавдари» сўзларидан келиб чиққан.

Жайдари олма.

ЎСИМЛИК ВА ЎСМИР

— бир қарашда бу икки сўзнинг бир-бирга алоқаси йўқдай туюлади. Ҳолбуки, «ўсимлик» ва «ўсмир» сўзларининг илдизи битта бўлиб, бу ўзак ўсиш маъносидаги «ўс» феълидир.

Ўсмирлигимда у билан чирииб баҳслашар эдим.

Асқад Мухтор

ТАМАДДУН — тилимизда тараққиёт маъносини англатган «тамадун» сўзининг туб маъноси «маданият» сўзига бориб тақалади.

Ватанимиз худудидан инсоният тамаддунига бешик саналган тарихий манзиллар бор.

Газетадан

ЖАБҲА — тилимизда

«ҳар жабҳада» деган бирикма кўп қўлланади ва у асосан «соҳа» деган маънони касб этган. Хўш, «жабҳа» сўзининг туб илдизи қандай мазмунни билдирган? Буни ҳамма ҳам билвермайди. Чунки, бу сўзнинг туб маъноси ҳозирги маъносидан анча фарқ қилади. «Жабҳа» сўзи асли «манглай», «пешона» деган маънони англатган. Шунингдек, унинг «фронт» деган маъноси ҳам бор.

Жабҳага кетганидан
Қайта келмади отам.

Миртемир

Эшқобил ШУКУР
тайёрлади.

БЕВАҚТ ОЧИЛГАН ҒУНЧА

ёхуд фарзандини эрта турмушга узатганлар изтироби хусусида

Ишдан эндигина қайтиб, кечки овқатга уннай деб турганимда эшик кўнги-роғи жириглаб қолди. Остонада кўзла-рида ёш билан кўшни кўчада яшовчи Насимахон турарди.

— Узр, опахон, сизни бемаҳалда безовта қилдим. Қизимни қайнонаси боласи билан онангни олиб кел, деб уйдан чиқариб юборибди.

— Йўғ-е, Сарви хола ундай аёллардан эмасди-ку?


— Қизим Ноила шу хонадонга келин бўлиб тушибдики, қайнонаси унга ўтирса ўпоқ, турса сўпоқ деб кун бермайди, қилган биронта иши у кишига ёқмайди. Болам боёқиш, эртадан кечгача оёқда, на ейишида, на ичишида ҳаловат бор. Бир йил ичида чўпдай озиб кетди. Бунинг устига куёвим ҳам ўзинга қарамайсан, деб камситгани-камситганимиш. Ўзига қарашга қаёқдан вақт топсин бечора, худди гилдиракдаги олмахондай тиним билмайди.

— Ҳа-а, гап бу ёқда денг. Ўшанда сизга айтувдим-а, қизингиз ҳали ёш, у оила қуришга, келинлик вазифаларини бажаришга тайёр эмас, деб. Бошига тушганда ўрғаниб кетади, деб эътибор бермадингиз, мана оқибати.

— Нима қилай, қайнонам илк совицларга фаришталар эшик очади, ёшлар бахтига “омин” деб туришади, куда бўлмиш тагли-тугли, ўзига тўк, ўғли эса эсли-хушли, олий маълумотли йигит экан, қизингнинг бахти шу-да деганларига шошиб...

— Майли, сиқилманг, ҳалиям кеч эмас, эртага маҳалла аёлларини тиббий кўриқдан ўтказишни бошлаймиз. Шу баҳонада Сарви холаникига ҳам кирмиш, сизам ўтинг, биргалиқда бафуржа гаплашиб, тил топишга ҳаракат қиламиз...

Беш минг кишилик маҳалланинг



хотин-қизлар кенгашига раиса бўлганимдан буён тез-тез шу каби ҳодисалар учраб туради. Қайнона ва келин ўртасидаги зиддиятлар, ёш қизларнинг Ноила сингари йўлга оилага мослаша олмасликлари каби муаммоларни маҳалла фаоллари иштирокида ҳал қилишга тўғри келади.

Оила мустаҳкамлиги, ёш оилалар барқарорлиги учун нима қилмоқ керак? Муаммоли хонадонлардаги мавжуд вазиятларни чуқур таҳлил қилар экансиз, хотин-қизлар онгини, уларнинг маънавиятини ўстирмай туриб, ижобий натижага эришиш қийин эканини англаб етасиз. Бу борадаги турли масалаларга илмий-амалий ечим топиш мақсадида маҳалламизда ҳуқуқ, тиббиёт ва соғломлаштириш йўналишида «Халқ универси-

тети» лойиҳасини ташкил этдик. Маҳалла раиси билан биргалиқда ана шу лойиҳа доирасида «Оила мактаби»ни очдик. Бу дастурда қайноналик, келинлик ва маънавият дарслари бўлиб, оининг биринчи ҳафтасида қайноналар, иккинчи ҳафтасида келинлар учун, учинчи ҳафтасида эса қайнона

ва келинларнинг давра суҳбатидан иборат маънавият дарси мунтазам равишда ўтказилади. Таниқли олимлар, шифокор ва психологлар, қўшни туман ва маҳаллалардан ибратли оилаларнинг қайнона-келин муаммоларини илмий-назарий таҳлил қилиб, ҳаёт тажрибалари асосида ижобий ва ибратли ҳал қила бошладик. Энг қувончлиси, маҳалламиз хонадонларидаги маънавий муҳит яхши томонга ўзгара бошлади, биз Наврўз,

Ойна

Ҳайит сингари турли байрамлар, мучал тўйларини ўзаро аҳилликда чиройли тарзда ўтказишни йўлга қўйдик. Шуларнинг натижаси бўлса керакки, бугунги кунда худудимизда қизларни эрта турмушга бериш, қўйди-чиқдилар бўлма-япти.

Наврўз байрами арафасида Ноиланинг эри Санжарбек хузуримга баҳордай алвон гулдаста билан кириб:

— Раҳмат опахон, мен ва онам йиллаб эплай олманган ишни «Оила мактаби»нгиз ҳал қилиб берди. Келинлик дарсларидан сабоқ олган Ноила бутунлай ўзгарди, саранжом-саришта, орас-та, ҳар куни янги-янги пазандалик ре-цептларини топиб келади, онам кўнглига йўл топиб, ҳақиқий она-бола бўлиб олишган, — деди маъмунийят билан.

Ҳа, юксак маънавият — қудратли куч, деб бежиз айтилмаган. Оила ҳаёт абади-лиги, авлодлар давомийлигини таъминлайдиган маънавият кўргони бўлиб, унинг ўз маърифий иқлими, ўзига хос яшаш қонунлари мавжуд. Азиз она-жонлар, қизларингизга ёшлигидан бошлаб бу қонунларни миридан-сирига-ча эринмай ўргата бориб, катта оилавий ҳаётга тайёр бўлгандагина уза-тишга ҳаракат қилинг. Шунда қизингиз бахтига пухта замин яратган бўласиз. У борган жойида хушхулқи, одоби ва ажойиб бекалиги учун раҳмат эшитса, бу сизга аталган бебаҳо мукофот, аксинча, ношудлиги учун танбеҳ эшитса, бу ҳам сиз томон отилган маломат тоши бўлади. Зеро, она учун энг юксак бахт — бу фарзанди ортидан эшитган раҳ-матдир.

Гулпошша
ЭРГАШҲУЖАЕВА.

Солиқ ислохотлари

ҳолатда мурожаатлар ўз тасдиғини топган.

Мисол учун, Олтиариқ туманида яшовчи Н. Дилшоднинг «Ишонч телефо-ни»га қилинган мурожаати орқали яқка тартибдаги тадбиркор Х. Яҳёнинг сав-

ЎЗИНГ ҚҲЛЛА

Йигит ҳуснин бу ор дерман,
Ҳалолликни шпор дерман.
Саховатни мадор дерман,
Ватаним, сен ўзинг қўлла.

Замин онам, осмон отам,
Оқиқларинг армон ватан.
Меҳринг билан яшай мудоим,
Она юртим, ўзинг қўлла.

Фидоийингман сенинг буткул,
Мен кўнглимда ўстирган гул.
Кел, эй омад, қўлим тутғил,
Тақдирим, сен ўзинг қўлла.

Қўзим кулгай, кўнглим осмон,
Озод, хурман, йўқдир армон,
Бизни танир жумла жаҳон,
Ўзинг қўлла, ўзинг қўлла!

Шозомиддин АЛИМОВ,
Тошкент шахри.

«ИШОНЧ ТЕЛЕФОНЛАРИ»: ҲУҚУҚИНГИЗ ҲИМОЯ ОСТИДА

келаётганини алоҳида таъкидлаш ўрин-лидир. Бугунги кунда вилоятнинг 19 та худудий солиқ инспекцияларида ана шундай хизмат йўлга қўйилган бўлиб, белгиланган тартибга кўра уларнинг фа-олияти таҳлил этиб борилади. Шу тари-қа солиқ тўловчилардан келиб туша-ётган ҳар бир мурожаат ўз вақтида ин-спекцияларда ташкил этилган махсус китобга рўйхатга олинади. Бу тўғрида инспекция раҳбариятига билдирги ор-қали маълум қилинади ва мурожаат на-тижалари бўйича доимий равишда на-зорат ўрнатилади.

Хусусан, жорий йилнинг дастлабки икки ойи мобайнида вилоят миқёсида «Ишонч телефонлари»га қирққа яқин му-рожаатлар қабул қилинган. Унда кўрсат-илган барча ҳолатлар бўйича ходим-лар томонидан ўрганиш ва текшириш-лар ўтказилган. Бевоқиф рақамларга мурожаат этадиган бўлсак, қисқа му-ддатли текширишлар ақунлари бўйича 15 та ҳолатда ноқонуний равишда тадбир-корлик фаолияти билан шугулланаётган «ишбилармон»ларга нисбатан тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилди. Бу жа-раёнда умумий қиймати 1324,0 минг сўмлик товар моддий бойликлар ашё-вий далил сифатида олинди ҳамда дав-лат фойдасига мусодара этилди.

Ўз навбатида қисқа муддатли текши-ришларга мувофиқ, 10 та ҳолатда нақд пул тушувларини назорат касса маши-насига кириш қилмаслик ҳоллари аниқ-ланган. Шунингдек, терминалдан фой-даланмаслик ёки маҳсулот нархини пластик қарточкага нақд пулга нисба-тан ошириб олиш ҳолатлари бўйича 30 га яқин мурожаатлар қабул қилинган. Ҳужжатлар натижаларига кўра, 16 та

до дўконда қисқа муддатли текшириш ўтказилди. Аниқланишича, мазкур дўконда Қозоғистонда ишлаб чиқарил-ган «Қараван» номили 50 кг ли ун маҳсу-лоти нақд пулга 54 минг сўм, пластик қарточка орқали 61 минг сўмга сотиб келинган. Шунингдек, текшириш мобай-нида мазкур дўкондан ҳеч қандай ки-рим ҳужжатисиз савдога қўйилган Қозо-ғистонда ишлаб чиқарилган ун маҳсу-лотлари далилий ашё сифатида олин-ган.

Фаргона шахрида яшовчи С.Абду-рахмоннинг мурожаати бўйича эса яна бир ҳуқуқбузарлик ҳолати фош этилди. Гап шундаки, ушбу мурожаатга кўра Фаргона шаҳар «Дехқон бозори» худу-дида фаолият кўрсатиб келаётган хусу-сий корхоналардан бирида қисқа му-ддатли текшириш ўтказилди. Дўкон со-тувчиси Н. Бахтиёр харидорга 10 минг сўмга назорат касса машинаси чекини бермагани етмаганидек, дўкон ғазнаси-даги 160 минг сўм савдо пули умуман НКМга кириш қилинмагани аниқланди. Устига-устак корхона раҳбари О.Мурод томонидан ноқонуний равишда савдо-га қўйилган 1667,5 минг сўмлик уяли те-лефон ва унинг эҳтиёт қисмлари ашё-вий далил тариқасида олиб қўйилди.

Юқоридаги каби қонунбузарликлар-га асосан худудий давлат солиқ ин-спекциялари томонидан 9 та ҳолатда маъ-мурий жарималар қўлланилган. Учта текшириш ҳужжатлари жиноят ишлари бўйича шаҳар-туман судларига юбори-либ, суд органларида тегишли тартиб-да жазо чоралари қўрилган.

Баҳром ОБИДЖОНОВ,
Фаргона вилояти ДСБ
ахборот хизмати бошлиғи.

ҲИҚМАТЛИ ДУНЁ

Кўз нима нарсага боқмасин, унга тўсиқ топилади, аммо кўнгилга тўсиқ то-пилмайди, одам буни билиши керак.

Агар одам севиши ёки севмаслигини билайин деса, кўнгилга қўл солиб кўриш керак, шунда албатта билиб олади.

Севкиликларнинг юзларида севгининг белгилари бўлади, кўз кўзга тушган-да уни билиб олса бўлади.

Юсуф хос ҲОЖИБ

РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА

«ЎҚТАМХОН-НУР» ўқув маркази

қўйидаги ўқув курсларига тақлиф этади:

Тикувчилик — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.	Элита парда ва чойшаблар тикиш — 1 ой, Элита парда ва чойшаблар тикиш олий курси — 1 ой.
Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой.	Сартарошлик — 2-3 ой (ўғил болалар учун).
Аёллар костюм-шим, плаш-пальто — 1-2 ой.	Каштачилик — 3 ой (машинада вышивка).
Ҳамшира — 6 ой. 4 ойи ўқуш, 2 ойи амалиёт.	Тўқувчилик — 2-3 ой.
Ҳамшира (тезор) — 3-4 ой (амалиёти билан).	Инглиз тили — 3 ой.
Тиббий массаж — 2 ой. Нўқтали — 1 ой.	Рус тили — 3 ой.
Торт ва пишириқлар — 2 ой.	Бисер, яъни муноқо тикиш — 2 ой.
Пишириқлар олий курси — 1 ой.	Сунъий гул ясаш — 1-2 ой.
Уйғур, Европа таом ва салатлари — 1 ой.	Компьютер сабоқлари — 2 ой.
Аёллар сартарошлиғи — 3 ой.	Интернет — 1 ой.
Тўй ва оқшом турмақлари ва макияж — 1 ой.	
Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой.	

Барчаси амалиёти билан
Етоқхона мавжуд.

Ўқиниш тугатганларга ДИПЛОМ берилади.

МАНЗИЛ: Юнусобод тумани 3-мавзё 1-уй 31-хона.

МЎЛЖАЛ: Юнусобод дехқон бозори орқасида.

Тел: (8 371) 221-17-95, 221-77-72, 225-97-93 (18⁰⁰ дан 22⁰⁰ гача).

ФИЛИАЛ МАНЗИЛИ: Ҳамама тумани Фаргона йўли кўчаси 4-уй 40-хона. МЎЛЖАЛ: Қўйлик кийим бозори рўпарасида.

ТЕЛ: (8371) 295-97-82, +99897 785-90-30 (кундузи)

"VODIY GAVHARI" — МЕҲМОНИМИЗ

"Эшитдингизми, бир йил бўлибди, Андижонда янги журнал чиқадиган экан. Мавзулари ранг-баранг, қизиқарли ва энг муҳими, ҳаммабон!"

Бу каби самимий эътирофларни нафақат водий ахлидан, балки бошқа вилоятларда яшаётган мухлислардан ҳам эшитяпмиз. Хўш, бугунги кунда мамлакатимизда чоп этилаётган 700 дан кўпроқ газета, 255 та журнал орасида "Vodiy gavhari" деб номланган бу журнал қайси жиҳатлари билан ажралиб туради ва у ўз ўқувчисини топа оладими?

Гавҳар ҲАСАНОВА,

журнал Бош муҳаррири:

— Очигини айтиб қўя қолай, ушбу журнални ташкил этиш жараёни узок давом этди. Негаки, юртимизда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва нуфузи, сони ҳамда уларга қўйилаётган вазифа-талаблар йил сайин ошиб бораётган бир пайтда "Vodiy gavhari" га эҳтиёж борми ўзи, деган ҳақли саволни ижодий гуруҳ олдига қўйдик. Албатта, вилоят ҳокимлигининг қўллаб-қувватлови туфайли мана бир йилки, журнал-хонлар эътиборига 12та сонни тақдим этдик.

Башорат қилишга, мақтанлишга ҳали эрта. Энг муҳими, ўқувчиларимиз ҳамда муаллифлар аудиторияси сонма-сон ошиб бормоқда. Бу эса бизни янада руҳлантириш билан бирга, йўл қўйилаётган хато ва камчиликларни тузатишга, ўз устимизда жиддий ишлашимизга туртки бўлаётди. Дастлаб мингта адад билан бошлаган бўлсак, бугунги кунга келиб обуначиларимиз сони сал кам тўрт мингга етди.

Минг бор эшитгандан кўра, бир бора кўрмоқ афзал, деганларидек, келинг яхшиши, энг сўнгги замонавий матбаачилик технологиялари асосида чоп этилаётган ушбу журнал саҳифаларида босилган айрим материаллардан олинган парчалар билан танишинг.



ли онам "Профессор бўлишинг шарт эмас, биринчи навбатда кувеминга шароит яратиб бер. Сен аввало яхши уй бекаси, меҳрибон она бўл, қолгани навбати билан бўлаверадим", деб қаттиқ тайинлаганлар. Онаминг гапини ҳеч қачон икки қилмаганман.

— Бахтли ҳаёт кечиришининг сирини бор деб ўйлайсизми?

— Келин-куёв турмуш қуришдан аввал бир-бирининг оиласи, одоб-ахлоқи, феъл-атворини тўла ўрганиб чиқмас экан, уларнинг бахтли ҳаёт кечириб кетишлари қийин кечади.

— Зухриддин ака, қолаверса, ўзингиз ҳам ана шундай сифатларга эътибор берганмисизлар?

— Совчилар бизларни учраштиришган. Кейин эса онам бўлгуси куёви билан суҳбатлашганидан сўнггина "Қизим, кўзим етаяпти, палаги тоза инсонларнинг фарзанди экан, насиб этса бахтинг тўқис бўлади" деганлар. Ўшанда мен Санкт-Петербургда аспирантурада ўқирдим. У киши ўқишим туғашини кутди. Мана, тақдирни қарангки, волидаи муҳтарамнинг башоратлари тўғри чиқди: қирқ йилдан бери бирга ахил-иноқ яшаб келаяпмизки, ҳалигача баланд овозда гапирганларини эшитмаганман.

Зумрадхон
АБДУЛЛАЕВА

ла ўғлим ҳам бир бурдадан нон кўтариб чиқади.

Аслида маънавиятимиз, руҳиятимиз билан боғлиқ кадрятлар, ҳиссиётлар ҳам авлоддан авлодга ўтар экан. Менинг соғинганларимни болаларим ҳам сезишадим. Агар бунини шунчаки амалга оширганимда, балки улар миннатдорчилик билдириб кетишаварармиди, лекин мен онаминг меҳри, эътибор, ўз ҳолатим ҳақида фарзандларимга гапириб берганман. Балки эртага ўғилларим бунини ўз болаларига айтиб беришар...

ЭНДИ БУВИ...

Кунлар менга бетакрор завқларни тортиқ этишда давом этапти... Энди бувига айландим. Аввал акамнинг ўғли — жияним ўғилли бўлди. Жияним билан анчадан бери ёнма-ён яшаганим боис, унинг фарзандини неварамдек қабул қилдим. Бу гўдак қалбимда дунёни бошқатдан кашф этишга қодир туйғунини уйғотди гўё. Кейин ўз ўғлим менга неварат тортиқ этди. Биласизми, энди уйга шошадиган бўлдим. Ҳозир эса мен учун набирамни бағримга босиш, унинг бетакрор исини туйиш, чўмилириш, уни кузатиш, овқатлантиришни назорат қилиш, шу мураккаб бола билан гаплашишдан кўра ёқимлироқ юмуш йўқ. Ҳатто, ижодкор дўстимга кўнглимдан кечаётган ҳолат ҳақида айтиб, ундан қўшиқ учун шеър ёзиб беришини сўрадим. У тушунди, ёзди... Энди бу шеърни оҳангга солиш ҳаракатидамиз. Назаримда, энди менга невараларим илҳом беради.

Суратларни Дилмурод
КАРИМОВ олган.

Қилмиш-қидирмиш**УСТИ ЯЛТИРОҚ,
ИЧИ... ҚАЛБАКИ!**

Сифат ҳар қандай маҳсулотнинг гултожи. У бўлмаса манамен деган дунёга машҳур компанияларнинг маҳсулотлари ҳам ўз қадрини йўқотади. Лекин машҳур бренд маҳсулоти ҳақиқий ва сохта бўлиши ҳам мумкин экан.

Машҳур брендлардан фойдаланиб, қалбаки маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан ўзини тадбиркор деб юрган Ш.Алибекова (исми-шарифлар ўзгартирилган) охиросида қилган ишидан пушаймон бўлди. "Tide", "Deni", "Ariel", "Беркут", "Пемос", "Миф" каби кўпчиликка таниш бўлиб қолган кир ювиш кукунларининг қоробка ва полиэтилен идишлари ичига қўлбала усулда тайёрланган кир ювиш кукунларини солиб, қонунга ҳилоф тарзда даромад олаётган "тадбиркор" ўзининг қинғир ишига вояга етмаган шахсларни жалб қилиб, яширин ҳеч ташкил қилгани қимматга тушди.

Шайхонтоҳур тумани, М.Улуғбек кўчасидаги ижарага олинган уй ертўласида ўтказилган тадбир чоғида икки вояга етмаган Н.Солиев ва А.Қобиловлар ишлаб чиқариш вақтида қўлга олинди. Шунингдек, у ерда махсус қопларда катта миқдордаги кир ювиш кукунлари, турли фирма ёрликлари туширилган идишларга қадоқланган тайёр маҳсулотлар, тиқиш, елимлаш ва бошқа турдаги ускуналар мавжудлиги аниқланиб, далилий ашё сифатида олиб қўйилди. Цех эгасининг ҳужжатлари ичиди савдо дафтари бўлиб, унда жиноий йўл билан топилган даромадлар ҳисоб-китоби юритилгани маълум бўлди.

Ш.Алибекова қилган ишидан пушаймон бўлди. Унга нисбатан жазо ҳам тайинланди.

**ДОЛЛАР...
АРЗОН НАРХДА**

А.Мўминов ва Н.Зупаров (исми-шарифлар шартли) узлуксиз равишда ноқонуний валюта олди-сотдиси билан шуғулланиб келишгани департаментнинг Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур туман бўлими ходимларининг тезкор тадбирлари орқали аниқланди.

А.Мўминов Ж.Ўсарова билан Миробод тумани худудидаги "Миранда" кафеси ёнида танишиб қолиши "Агар доллар керак бўлса, марҳамат, исталганча арзонроқ нархда топиб бераман", деди валютафуруш тап тортмасдан янги мижозига. Бир неча кун ўтгач, ҳалиги аёл 12 миллион сўм пулини АҚШ долларига айлантириш кераклигини айтиб қолди. Шу ондаёқ у ўз ҳамтовоғи Н.Зупаровга кўнгириқ қилиб, зудлик билан мижози яшайдиган Мирзо Улуғбек тумани, Яланғоч мавзесидаги уйга айтилган пулни олиб келишини тайинлади. "Ҳожатбарор"лар 4900 АҚШ долларини нақд 11.760.000 сўмга пуллашаётган пайтда қўлга олинди. Далилий ашё сифатида олиб қўйилган 4900 АҚШ доллари эса суд ҳукми қонуний қучга киргач, давлат фойдасига ўтказилди. Қонунбузарлар эса жиноят кодексининг 177-моддаси 2-қисми "б, в" бандлари билан айбдор деб топилди ва қилмишларига яраша жазоланишди.

Хусан СОДИРОВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги
СВОЖДЛКК департаменти
Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур
туман бўлими катта
суриштирувчиси.

**ТУРСУНОЙ
ОПАНИНГ ҚИЗИ**

Машҳур шоир ва адиблар Фафур Фулом, Абдулла Қаҳҳор, Зулфия, Саид Аҳмад, Саида Зуннунова, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, санъатимиз даргалари бўлган Тамарахоним, Мукаррама Турғунбоева, Ҳалима Носирова, Шукур Бурхонов, Наби Раҳимов, Раззоқ Ҳамроевлар ҳам ҳар гал Андижонга келганларида Турсунной Каримованинг хонадонига кириб, бир пиёла чой ичмасдан кетишмасди...

Турсунной опанинг ёлғизгина нурийдисини, фалсафа фанлари номзоди, доцент, Андижон тиббиёт институтини кафедра мудири Арофатхон Каримова ҳикоясида:

— Болалигимданоқ онам мени ҳар доим ёнларидида олиб юрарди. Лекин эрка қилиб тарбияламади. Эсимда, ўқувчилик йилларимда қачон бўлмасин, албатта, ёшимга мос китоб совға қилар, кейин нимани тушунганимни эринмай сўрарди.



Ўшандаёқ китобни шунчаки, номига ўқимасликни ўрганганман. Оила, рўзгор ишларига ҳам уқувли бўлишим учун ўзлари бекаликни, пазандаликни ўргатишга вақт топарди. "Саришталик — аёлнинг, қиз боланинг хусни, унга доғ туқарса, тузатиш мушкул", деб утирарди доим.

Аёлни куёшга ўхшатишди.

Ҳақиқатан унинг қалбиди жуда катта куч-қувват яшайди. Бу қудрат фақат эзгу мақсадларга йўналтирилсагина оила ҳам, жамият ҳам уксалади, тараққий этади. Худого минг қатла шукрки, мен илм йўлини танлаб ҳаётда кам бўлмадим. Турмуш ўртоғим Зухриддин Салохиддинов тиббиёт фанлари доктори, профессор. Раҳмат

**Ўзбекистон Республикаси халқ артисти
Насиба АБДУЛЛАЕВА:****"МЕНГА НАБИРАЛАРИМ
ИЛҲОМ БЕРАДИ"****ОНАМ,
ЛОЙ ЎЧОҚ...**

Биласизми, ёшинг ўтгани, улғайгани сари баъзан бугун бўлиб, эртага эсдан чиқиб кетадиган воқеалар ҳам хотирангдан қайта тикланар экан. Ёдимда бор: уйимизга ҳали газ ўтмаган пайтлар... Нимагадир кейинги вақтда ўша кунларни тез-тез ёдга олаёпман. Балки шунинг учун бўлса керак, баъзан уйимда барча қулайликлар бўлишига қарамай, ўчоқда овқат қиламан. Нима учун? Билмадим...

Ҳатто номини билмаганим, соғинганим бор. Балки шу ҳисларни аташ мумкин бўлган сўзлар ҳали йўқдир... Онам овқатни ташқаридаги лой ўчоқда пиширдилар. Мен ўчоқбошида онаминг ёнларида туришни яхши кўрардим. Айниқса, ёмғир ёғиб турган кундаги оловнинг тафти менга хуш ёқарди. Ўчоқнинг хиди ёмғирнинг исига аралашиб кетарди. Онам уннаган овқат тайёр бўлганича, ўчоқбошидан кетмасдим. Онам эса ўз наздига, боламнинг қорни очиб қолди деб, атайлаб уйга кириб, нон олиб чиқардилар-да, уни ҳали пишиб улгурмаган овқатга ботириб берардилар. Биласизми, бугун мен учун ўша овқатга ботирилган




нондан мазалироғи йўқ. Энди эса ўзим ўчоқда таом пиширадиган бўлсам, икка-



КЎЗОЙНАК ҲИМОЯМИ ЁКИ ИМИЖ?

Илк кўзойнақлар диний тушунчаларга тўғри келмаганлиги туфайли Тангрининг иноятига қарши яратилган ихтиро сифатида эътироф қилинган экан. Фарб дин пешволари кўзойнақларни "Кўз нурини сўриб олувчи вампир", деб баҳолаган. Шунга қарамастан, кўп вақт ўтар-ўтмас кўзойнақлар халқ орасида оммалашиб кетди. Эндиликда у фақат зиёли ва бой қатламлар учун обрў-эътибор белгиси сифатида хизмат қила бошлади. Бу ҳақда 1386 йилда Чосер шундай ёзади: "Кўзойнақ бизларга чин дўстлари-



мизни ажратишда кўмак беради".

Франклин 1760 йилда бифокаль кўзойнақларини ихтиро қилади. У одатдаги кўзойнақлардан уч сифати билан фарқ қилар эди. Яъни, кўзойнақнинг тепа қисми узоқни, пастки қисми яқинни ва ўрта қисми марказни катталаштириб кўрсатади.

Кўз ичига қўйиладиган линза ҳам янгилик эмас. Чунки, инглиз астрономи Гершель 1827 йилда бу фикрни ўз мақолаларида баён қилган.

Одатда биз кўзойнақларни ўз эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда, масалан, кўз хиралашганда ёки куёш нуридан ҳимояланиш мақсадида харид қиламиз. Бу – жисмоний эҳтиёж. У билан боғлиқ маънавий эҳтиёж ҳам бор.

Кўзойнақ билан боғлиқ маънавий эҳтиёж бизда Фарб маданиятига бўлган тақлид туфайли шаклланди. Айтайлик, ИМИЖ. Ҳозирда Фарбда, ҳатто бизда ҳам "кўзойнақ тақиш имижини" тушунчаси шакллана бошлаган. Унга кўра, ҳар бир шахс ўзининг ташқи кўринишига мос келадиган кўзойнақ тақиши зарур. Бу борада но-р а с м и й қ о н у н -қ о н и д а л а р ҳам шаклланди.

Яъни, қоронғи хонада қ о р а кўзойнақ тақиш одобсизлик белгиси ҳисобланиши, уларнинг соч рангига мос келиши, суҳбатдошнинг фикрини чалғитмаслик учун кўзойнакка қўлини олиб бормаслик ва ҳоказолар...

Бельгия, Франция ва Финляндия давлатларида ажойиб кўзойнақлар сотувга чиққан. Уларнинг ажойиблиги шундаки, кўзойнақнинг ойналари икки қатлам бўлиб, ўртасига махсус суяк-лик жойлаштирилган. Бу кўзойнақлар саёхатчиларни денгиз касаллигидан ҳимоя қила олар экан.

Наргиза СИДДИҚОВА
тайёрлади.

ОНАМ БИЛГАН ЭКАН

Ҳарбий хизматда йигитлик бурчимни бажариб юрган чоғимда Анжела исмли қиз билан танишиб қолдим. Отанамга юборган мактубларимда у ҳақда тинмай илиқ фикрларни ёзардим. Отам бирор фикр билдирмас, аммо онам: "У қиз бизга тўғри келмайди. Қишлоқ шароитига кўника олмайди", деб қатъий рад жавобини йўларди. Анжела кўп қаватли уйда ўсган, бунинг устига онасининг ёлғиз қизи. Отасиз ўсгани учунми, кўнгли ўксик эди. Онаси ёлғиз қизини ўзга юртларга юборишга норози бўлди. Шунга қарамай севи ҳамма нарсадан устун келди. Анжелани ўзим билан қишлоққа олиб келдим. У менинг юзимни ерга қаратмади. Қишлоқ ҳаётига тезда киришиб кетди. Сингилларим кетидан қолмай сизир соғиш, нон ёпишни ўрганди. Иккинчи фарзандим туғилганида алоҳида уйга кўчиб ўтдик. Уйимизда хали таъмирталаб ишлар кўп бўлгани учун Анжела онасининг олдида кетди. Ўз онасининг олдида бўлади, деб бунга розилик билдирганим. Ишлаб юриб дугоналар орттиргач, ўзгара бошлади. Икки-уч йил ичида уни таниёлмай қолдим. Аввалига уч-тўрт ойда келиб-кейтиб юрган бўлса, кейинроқ бир йилда келадиган одат чиқарди. Мени ҳам ўз олдига кетишга ундади. Мен рози бўлмагач, иккала фарзандимни олиб, ота юртига кетиб қолди. Пешонамда бор экан, ҳам оиламдан, ҳам фарзандларимдан айрилдим. Ёшим 55 да. Самарқанд вилоятида яшайман. Ёлғизликдан қийналганим сабабли сизларга мурожаат қиляпман. Мени тушунадиган умр йўлдош бўлса хабар берарсизлар деган умиддаман.

Толибжон,
Самарқанд вилояти.

УНИ КЕЧИРА ОЛМАДИМ

Икром узоқ қариндошимизнинг ўғли эди. Онамининг раёйига қараб у билан никоҳ ришталарини боғлашга рози бўлдим. Тинч-тотув яшай бошладик. Учунчи қизимиз туғилганида синфдошларига қўшилиб узоқ юртларга ишла-

ЗИРА

Иккинчи даражадаги иссиқ, учинчи даражада қуруқ. Жароҳатларни яхши битиради. Зирани сирка билан эзиб ҳидлаганда, қонни тўхтатади.

Ёввойисининг шираси кўзни равшан қилади. Сув билан аралаштирилган сиркага солиб ичилса, нафас олиш қийинлашганда фойда қилади. Зираниннг ёввойиси, тошни майдалайди. Томчилаб сийиш, қон сийиш ва ичакнинг бураб оғриши ҳамда қорин дам бўлишида фойда қилади.

Кора зира елларни ҳайдайди ва қуритади. Дамлаб ичилса, овқатнинг меъда юзасига чиқишидан бўладиган қушишни тўхтатади. Меъдани қиздириб, овқатни ҳазм қилдиради. Кўзни ўткир қилувчи дорилар ва сурмалар таркибига кирди. Ҳиқчоқда ва хафқонда фойдаланилади. Гижжаларни ўлдиради. Уруғининг қайнатмаси ичилганда сийдикни ҳайдайди, қориннинг бураб оғришини тўхтатади.

Ибн Сино тиббий ўғитларидан

НАЪМАТАК

Баҳор фаслида авитаминоз касаллигининг олдини олишда наъматак жуда асқотади. У нафақат доривор ўсимлик, балки энг керакли витаминлар манбаи ҳамдир. Наъматакда А, В2, Е, С, Р, К дармондорилари мавжуд. Икки-уч донна наъматак мевасининг ўзи инсон организмидан талаб қилади-ган витаминларнинг бир суткалик миқдорини таъминлайди. Наъматакнинг қуритилган мевасини асосан шиша идишда, қоронғи жойда сақлаган маъқул. Чунки қуёш нури таъсирида витаминлар парчаланиб кетади.

Шаҳноза РОФИЕВА тайёрлади.

гани кетди ва икки йил деганда қайтиб келди. У бутунлай ўзгарган эди. Менга паст назар билан қарайдиган одат чиқарди. Ҳар бир ишимдан, гапирган сўзимдан айб толарди. Инсоф бериб қолар, деб чидадим. Аммо бир куни нарсаларини йиғиштириб, сумкага жойлаш бошлади. Қаёққа кетяписиз, деган саволимга: "Шаҳарда уй-жойи бор бир рус аёлини ёқтириб қолдим. Уша билан яшайман. Сизлардан хабар олиб тура-

уйли-жойли қилдим. Қийинчиликлар ортада қолиб, ҳаётимда ёруғ қунар бошланганида собиқ турмуш ўртоғим эшигимдан кириб келиб мендан кечирим сўради. Уни кечира олмадим. Чунки... Ҳиёнатнинг захри ёмон бўларкан. Онам фарзандларинг олдидаги оналик вази-фангини бажардинг, энди ўзинг ҳақингда ўйла. Кўзим очиклигида бирор иймонли эркак билан турмуш қур, деб мас-лаҳат берди. Фарзандларим ҳам менин-г бахтимни ўйлаб турмушга чиқишимга розилик билдиришди. Ёшим 55 да. Олтмиш ёшгача бўлган иймон-эъти-қодли, фарзандларидан тинган эр-как бўлса ҳаётимни боғлаш ис-тагимданан.

Замира,
Тошкент вилояти.

АҲИЛ ЯШАЯПМИЗ

Ҳамма синфдошларим уйлангани учун бирор баҳона сабаб топилди дегунча, "Қачон уйланасан?", — дея холи жонимга қўйишмасди. Онам ҳам менга қиз кўрсатишдан чарчади. Бир куни хо-лам қўлида газета билан, уйимизга кириб келди. "Оила ва жамият" газета-сининг "Бахтли бўлинг" рўқни остидаги мақолаларни ўқигач, мен ҳам ўзимни ана шундай инсонлар қаторида кўриш-ни истадим. Холам мени тахририятга бошлаган борди. У ердигилар ўзимга ўхшаган олий маълумотли, ўрта бўйли, истараси иссиқ қизнинг суратини кўрса-тиб манзилини беришди. Учрашдик. Ота-оналаримиз атрофлича сўраб-су-риштиришиб, тўйимизга розилик бе-ришди. Икки ойдан сўнг тўйимиз бўлди. Ҳозир ўғилчамиз бор. Бахтли яшаяпмиз.

Самандар,
Сурхондарё вилояти.

ТАХРИРИЯТДАН:

"Бахтли бўлинг" рўқнига хат йўллаётган ёки бевосита мурожаат қилаётган фуқаролар паспорт нусхаси ва яшаш жойидан (маҳалла кўмитасидан) маълумотнома тақдим этишлари шарт. Шунингдек, аж-рашганлар бўлса, суд қарорининг нусхасини топширишлари талаб этилади.

МУРОЖАТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 234-25-46

Маслаҳат

Жигилдон қайнаганда сабзи, редис-ка, турп ва бошқа сабзавотларни ейиш фойда беради.

Сўлиб қолган кўк пиёз, кашнич, ук-роб ва ҳоказоларни сиркали сувга бо-тириб қўйсангиз, "тирилиб" кетади.

Редискани дастурхонга тор-тишдан олдин 20 дақиқа сувга со-либ қўйинг.


Қизиб турган сирли идишга совуқ сув ва ёғ қўйиб бўлмайди. Сири кўчиб кетади.

Шўр бўлиб кетган овқатга 2-3 та хом картошка солсангиз, шўрини ўзига тор-тиб олади.


Пичоқни бир оз сувлаб пиёз тўғра-сангиз, кўзингизни ачитмайди.

Гуручни ювганда сувга 1-2 ош қошиқ туз солиб ювсангиз, гўбори яхши кетади ва бундай гуруч сув-дан олиб қўйилганда ҳам узоқ вақтгача уқаланиб кетмайди.

Серка КАТТАЕВ тайёрлади.



Ибн Сино тиббий ўғитларидан



Ибн Сино тиббий ўғитларидан



Ибн Сино тиббий ўғитларидан

...Мақтаб ўқувчиси эдим. Тушликка хамирли овқат тайёрлаш учун супрани айвондаги каравот устига ёздим. Буни кўрган раҳматли бувим койий кетдилар: "Супрани ташқарига ёзмагин, болам. Курғоқчилик бўлади-я!". Бир сафар хамир қориб бўлгач, супрани ўраш учун қайириб қўйдим. Онам ишимни кузатиб турган эканми, "Кизим, олдингни қайирма", дедилар (бунинг "йўлингни боғлама", деган маъноси бор экан).

Йиллар ўтиб, ҳовлимизга келин тушди. Тўй куни қайвони онахонлар уй олдига гилам солиб, ирим-сиримларни адо этишди. Онамдан "Ойбувижон, келинингга нима берасан?" дея сўрашди. "Тоғдай келбатли ўғлимни, уйимнинг тўрини, идиш-товокни бердим", деди онам. Бу қисқа савол-жавобдан сўнг ошхонамиздаги супра олиб келиниб, янги келинчакнинг қўлига қис-тирилди.

Эсимда, йўқдан бор қилиб, рўзгорнинг йиртигини ямаб, бориға қаноат билан яшаётган онам доим теридан тайёрланган супраси йўқлиги учун хўп хунот бўларди: "Ҳадемай келин туширман, лекин ошхонамда биттагина супра бўлмас-я!". "Кизиқ, туппа-тузук супрамиз бор-ку! Унинг устига, акамлар хали мактаб ўқувчиси, қанақа келин? Онамга нима бўлди, ўзи?!" дея ўйлайман. Кишлоғимизга кираверишда онамнинг қари бир аммаси яшар эди. Ундан супра тикиб беришни илтимос қилдик.

— Супра хамир ёйиш, нон яшаш учун ошланган теридан қилинадиган дастурхонсимон рўзгор буюми, — дейди Қамай

СУПРА

келинлар учун энг обрўли совға



кишлоғилик Бибиҳол Жўраева. — Моноларимиз, оналаримиз қўй териларини ошлаб (териға чакки суриб, 2-3 соатга ўраб қўйилади. Бу хол 3-4 кун давом этиб, терининг ҳар тарафидан икки, уч киши куч билан тортади. Натихада, тери таранглашиб юлқаради ва пишиди), супра тикишган. Битта супра учун икки-учта, баъзан тўртта қўй териси керак бўлади. Ошланган териларнинг юнглари калталаниб, бир-бирига улангани ва айлана ҳолда бичилади. Атрофига — ички ва ташқи тарафига тўрт энлик (6-7 см) сурп ёки бўз тикиб чиқилади.

Битта супранинг тайёр бўлиши учун тахминан бир ой вақт кетади. Ундан кўра, ана бозорларимизда тайёр супралар кўп. Икки метр мато ёки дастур-

хон-кленканинг пулига битта супра олса ҳам бўлади-ку!
— Мени ташвишга солган нарса шу-да, — дея сўхбат мавзусини давом эттиради Бибиҳол момо. — Замоннинг тараккий этганидан ўргилай. Айтганингиздек, бозорларимиздан рўзгор учун ҳамма нарса топилади. Бекаларимиз ҳам тайёр нарсаларни олиб ишлатишга ўрганиб қолишган. Қўл меҳнатининг қадри, сифати барибир бошқача бўлади. Биргина теридан тайёрланган супрани олайлик, у табиий тоза маҳсулот. Ичида сақланган ун ёзда ачимайди, қишда совуқ ўтмайди. Бундай ундан тайёрланган егулик ҳам организмга зарар етказмайди. Қолаверса, халқимиз тўй-ҳашамларда албатта қўй сўяди. Каттароқ маърақа бўлса-ку, териларни нима қилишни ҳам билмай қоласиз. Бекорға увол қилгандан кўра озгина меҳнатидан қочмай, битта рўзгорга керакли буюм тайёрлаб қўйилса, зарар қиладими?! Бундай супралар кўп йилга чидайди. Олиб қўйсангиз, кизингизга, келинингизга ҳам берасиз.

Хонадонимиздаги аммамиз тикиб берган супра узоқ йиллар хизмат қилди. Худо хоҳласа, янгамлар ошхонамизнинг бу "эркатой" буюмини, онам айтганидек, "авайлаб тутса", "михга илиб юрса", "сичқонга едириб қўймаса", хали кўпга чидайди. Невера келинларнинг ҳам қўлига кистирилса, ажаб эмас.

Моҳиғул ҚОСИМОВА,
журналист.
Қашқадарё вилояти

КЕТМА, БАҲОРИМ!

Бугун баҳор насимлари эсаётир. Кечагина адирларда очилган бойчечаклар гулларини тўқа бошлади. Қоқиғуллар гуллайпти. Лолақизғалдоқ уйғоняпти. Қозонларда сумалаклар қайнаб ётибди.

— Баҳорнинг хосияти мўл-да, қизим, "Мустаҳкам оила йили" бўлмиш 2012 йилда у менинг ёшимга яна бир ёш қўшди, — дейди Қибрай шаҳарчасида умргузаронлик қилаётган 70 ёшли Исмоил ота Абдуллаев шодмонлик билан олис-олисларга термулиб. Сўнг хўрсинибгина секин қўшиб қўяди: — Эҳ, шу билан бирга, бу янги ланиш, яшариш фасли умримнинг яна бир парчасини ўзи билан олиб кетяпти ҳам.

Осмонга варақ учираётган болаканинг хаёлидан нелар ўтаётган экан-а?..

ДАРАХТ

Кеча туни билан довул тинмади. Роса жала ёғиб чикди. Кучли эсган шамол томлардаги бўш қоқилган шифер-тахталарни, кўчалардаги баннерларни учирди, кўчирди. Баланд ўсган дарахтларнинг қуриган, қуртлаган шохларини синдирди, томири мўртроқларини йикитди.

Эрталаб уйғониб кўчага чиқсам, ён-верини кўпориб йиқилган дарахтларга кўзим тушди-да бир зум уларга термулиб қолдим. Ёнимда турган бувам изоҳ берди:

— Кўрдингми, болам, дарахтлар ҳеч қачон тиз чўкишни билмайдилар. Улар тик туриб ўладилар...

Қаранг-а, қатъиятни дарахтлардан ўрганмоқ керак экан!



СОЯ

Тонгда кўёш чикдию оламни яшнатиб юборди. Ёруғликдан ҳосил бўлган соя мактанди: "Кўрдингларми, Кўёш билан иккимиз баб-баравар пайдо бўляпмиз. Шундай экан, мени ҳамма эъзозлашини, хурматимни жойига қўйишларини истайман. Чунки соя борки, нур ҳам бор... — Аксинча эмасми? — дейишибди унга.

— Йўқ, асло, — эътироз билдирибди Соя гердайиб. — Биз Кўёш билан худди эгизаклардекмиз, бас, шундай экан, ҳуққимиз ҳам тенг-да.

Кўёш бу гапларга парво қилмабди, нур сочишда, тиккага қўтарилишда давом этаверибди. Туш яқинлашгани сари мактанчоқ соянинг қадди кичрайиб бораверибди.

— Ҳой, Кўёш, — бақирди у, — қани, паства тушиб, мени узайтир-чи. Йўқса, ўзингга ёмон бўлади. Кечга бориб Кўёш уфққа оғибди. Соянинг бўйи чўзилгани учун яна кўкрак керибди: "Мана, Кўёшнинг холини кўринглар, кўрқанидан менинг қоматимни қайтариб берди. Бир ғоз бўйим ўн ғоз бўлди. Мен зўрман, мен абадийман..."

Меҳнаткаш Кўёш кун бўйи "ишлаб" чарчагани боис охира этоғига кириб кетибди. У билан бирга мактанчоқ соя ҳам секин ғойиб бўлибди. Эртаси кун яна Бобоқўёш билан бирга пайдо бўлибди.

У ҳамон ана шу тахлитда яшаб келаркан. Нимасини айтасиз, баъзи одамлар ҳам ана шу сояга ўхшайдилар...

Гулшода ҚУРБОНОВА,
ЎЗМУ олий журналистика курси магистранти.

Кўнгиш мулки




СПОРТ... СПОРТ... СПОРТ...

ЛОНДОН ЙЎЛЛАНМАСИ КЎПАЙМОҚДА

Қозғистоннинг Остона шаҳрида эркин, юнон-рум ва хотин-қизлар кураши бўйича ўтказилган Осиё олимпия саралаш турнирида ўзбекистонлик эркин курашчилардан беш нафари шу йил Лондон шаҳрида бўладиган XXX ёзги Олимпия ўйинларида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Мусобақа қондасига кўра, эркин ва юнон-рум курашчилари етти, хотин-қизлар кураши иштирокчилари тўрт вазн тоифасида беллашди. Ҳар бир вазн бўйича финалга чиққан спортчиға Лондон Олимпиадаси лицензияси берилди.

Эркин кураш бўйича энг оғир — 120 килограмм вазн тоифасидаги беллашуларда қатнашган Ўзбекистон терма жамоаси етакчиси, Олимпия ўйинларининг иккита олтин ва битта кумуш медалига сазовор бўлган Артур Таймазов, 96 килограмм вазн тоифасида Осиё чемпиони ва жаҳон чемпиони бронза медал совриндори Курбон Қурбон, 74 килограммга бўлган эркин курашчилар ўртасида Осиё чемпиони Рашид



Курбон, иқтидорли курашчимиз Ихтиёр Наврўзов 66 килограмм вазн тоифасида барча рақибларини мағлубиятга учратиб, шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди ва олимпия йўлланмасига эга бўлди. Яна бир спортчимиз эркин кураш бўйича жаҳон чемпионларида олтин, кумуш ва бронза медалларга сазовор бўлган Заурбек Соҳиев эса кумуш медал ва олимпия йўлланмасини қўлга киритди.

Юнон-рум кураши бўйича 120 килограмм вазн тоифасидаги беллашуларда гиламга чиққан иқтидорли полвонимиз Мўминжон Абдуллаев ҳам олимпия лицензиясига сазовор бўлди.

Эркин, юнон-рум ва хотин-қизлар кураши бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоларида ҳали олимпия йўлланмалари сонини ошириш имконияти бор. Хамюртларимиз 27-29 апрель кунлари Хитойда, 4-6 май кунлари Финляндияда жаҳон миқёсида ўтказиладиган Олимпия саралаш турнирларида Лондон йўлланмасини қўлга киритиш учун гиламга чиқади.

Интернет манбалари асосида
Илҳом ЖУМАНОВ тайёрлади.

Муассаслар: Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш» ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси

Тахририятга келган қўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди. Реклама материаллари мазмуни учун тахририят жавобгар эмас.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти — 15:00. Босишга топширилди — 15:00

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz

ISSN 2010-7609



Бosh муҳаррир:
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Навбатчи муҳаррир — Санжар РУСТАМОВ
Саҳифаловчи — Оқил РАҲМОНОВ
Мусаҳҳихлар — Саидғани САЙДАЛИМОВ,
Гулноза БОБОЕВА

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент — 100000. Амир Темур кўчаси
1-тор кўча, 2-уй. Мўлжал: Олой бозори ёнида

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида
0169-рақам билан 11.01.07 да рўйхатга
олинган. Буюртма Г — 428. Формати А-3,
ҳажми 2 табоқ. Адади — 10790. Баҳоси кели-
шилган нарҳда.

ОБУНА ИНДЕКСИ — 176

Қабулхона: (тел/факс) 233-28-20
Котибият: 234-76-08
Мухбирлар: 233-04-50
«Оила» бўлими: 234-25-46

Web-site: oilavajamiyat.uz

1 2 3 4 5